**«Сиргали деҳқон бозори» АЖ**
**кузатув кенгаши йиғилишининг**
**баённомаси**

2026 йил 15 сентябр Тошкент шаҳри

***Иштирок этдилар***
**Раис:** К.Р. Расулов
**Аъзолар:** Ш.Ш. Шамансуров, Т.С.Иброхимов, С.Ю.Каримов ва А.А.Умаров

**Таклиф этилганлар:** Ф.У.Бегнаев – директор; А.А.Акбаров – бош бухгалтер; Э.Б. Кучаров – қимматли қоғозлар бўйича мутахассис, котиб. Ж.Ибрагимов

## КУН ТАРТИБИ

1. ***Жамият директори Ф.Бегнаевнинг аризасини кўриб чиқиш.***
2. ***Жамият ижроия органига раҳбар тайинлаш ҳақида.***

## ЭШИТИЛДИ

Кузатув кенгаши раиси К.Расулов сўзга чиқиб, «Сирғали деҳқон бозори» АЖ директори Ф.Бегнаевнинг бошка ишга ўтиши муносабати билан эгаллаб турган директорлик лавозимидан 2026 йил 15 сентябрдан озод этиш ҳақидаги аризасини Кузатув кенгаши аъзолари эътиборига ҳавола қилди.

Мазкур масала юзасидан Кузатув кенгаши аъзолари фикр-мулоҳазалари эшитилди ва муҳокама қилинди ҳамда эътироз йўқлиги айтилди.

Кузатув кенгаши раиси К.Расулов сўзга чиқиб, Ф.Бегнаевнинг директорлик лавозимидан озод этилиши муносабати билан Жамият ижроия органи раҳбари лавозимида бўш иш ўрни юзага келганлигини маълум қилди.

Жамиятнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш, кундалик молиявий-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ижроия органи раҳбариятини таъминлаш мақсадида мазкур лавозимга соҳа бўйича тажрибага эга бўлган Ж.Ибрагимов номзодини «Сирғали деҳқон бозори» АЖ директори вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинлаш таклиф этилди.

Масала Кузатув кенгаши аъзолари томонидан муҳокама қилинди.

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1.1. «Сирғали деҳқон бозори» АЖ директори Ф.Бегнаевнинг эгаллаб турган директорлик лавозимидан 2026 йил 15 сентябрдан озод этиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилсин.

1.2. Ф.Бегнаев 2026 йил 15 сентябрдан «Сирғали деҳқон бозори» АЖ директори лавозимидан озод этилган деб ҳисоблансин.

1.3. Жамиятнинг молиявий-хўжалик ва бошка ҳужжатларини, мухр ва бошка моддий қимматликларни белгиланган тартибда кабул килиш-топшириш ишлари ташкил этилсин.

2.1. «Сиргали деҳқон бозори» АЖнинг ижроия органи раҳбари лавозимида бўш иш ўрни юзага келганлиги инобатга олинсин.

2.2. Ибрагимов Жамшид Ибрагимович 2026 йил 16 сентябрдан «Сиргали деҳқон бозори» АЖ директори вазифасини вактинча бажарувчи этиб тайинлансин.

2.3. «Сиргали деҳқон бозори» АЖ директори вазифасини вактинча бажарувчи Ж.Ибрагимовга Жамиятнинг жорий фаолиятини ташкил этиш, унинг молиявий-хўжалик фаолиятини бошкариш ва Жамиятнинг амалдаги устави ҳамда конунчилик ҳужжатларида ижроия органи раҳбарига берилган ваколатлар доирасида иш юритиш вазифалари юклатилсин.

2.4. Жамиятнинг бош хисобчиси ва масъул ходимлари томонидан Жамиятнинг молиявий, бухгалтерия, шартнома ва бошка ҳужжатларини белгиланган тартибда янги раҳбарга кабул килиш-топшириш чоралари кўрилсин.

**Йиғилиш раиси** **К.Р.Расулов**

**аъзолар:**

_______________ Ш.Ш.Шамансуров

_______________ Т.С.Иброхимов

_______________ С.Ю.Каримов

_______________ А.А.Умаров

Котиб: _______________ Э.Б.Кучаров

Баённомага имзо қўйилган сана «15» Сентябр _2026 йил